

ТУМАН ҲОКИМИ ЁШЛАР ВА АХОЛИ БИЛАН УЧРАШДИ



Учрашувларда асосан, ёшлардан ишга жойлашиш, кредит олиш ва моддий ёрдам билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаатлар келиб тушди ва аксарият мурожаатлар манзилнинг ўзида ечим топган бўлса, маълум вақт ва маблағ талаб этадиганлари юзасидан масъулларга тегишли топшириқлар юклатилди.

Шунингдек, учрашувда 30 ёшдан ошган фуқаролар ҳам қатнашишди. Туман раҳбари уларнинг ҳам муаммоларига қулоқ тутди ва мутасаддиларга тегишли топшириқлар юклаб, ижросини назоратга олди.